

Ҳимматни уйғотиш



11:00 / 31.05.2021 1735

Нафсидан рози бўлмайдиган жоҳил, билимсиз инсон билан ҳамсуҳбат бўлишинг нафсидан рози бўлган олим билан ҳамсуҳбат бўлишингдан яхшироқдир.

Нафсидан рози бўлмайдиган илмсиз кишида қанақанги жоҳиллик бўлиши мумкин?!

Нафсидан рози бўлмайдиган инсоннинг суҳбати унда ихлос бўлганлиги учун яхшидир. Бу нарса суҳбатдошга ҳам ўтади. Суҳбатдош ҳам ихлос билан зийнатланади. У ҳам хос инсонлар зумрасига кириб қолади.

Ўзидан рози бўлган кишининг суҳбати, гарчи у ер юзидаги энг олим инсон бўлсада очиқ-ойдин ёмонликдир. Зеро, инсон табиати ўғри бўлади. Ҳамсуҳбатидан таъсирланади. Аллоҳга яқинлаштирадиган илмсизлик Аллоҳдан узоқлаштирадиган илмдан яхшидир!

Устозларимиз толиби илмларни ўзларидан устун билишар эди. Чунки талаба илм олишда ўзини хор ва паст тутуди, мутакаббирлик қилмайди. Олимни эса дарс бериш кибрга олиб бориши мумкин. Мен бошқалардан устунман деган фикр уни йўлдан оғдириши мумкин, дейишар эди.

«Ҳикамул Атоийя» асосида Абдулқодир полвонов тайёрлади.